
26-УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИДА УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Туманимизда ўтказилаётган бундай маънавий-маърифий тадбирлар тарих бугун ва келажакни ўзида мужассам этган ҳолда, дилга шукроналик солади, бугуннинг қадрига етиб, эртанги кун учун қайғуришга ўргатади. Ана шундай қадриятларни ўзида мужассам этган тадбирлардан бири туманимиздаги 26-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтди. Учрашувда ушбу ўқув даргоҳда меҳнат қилган ва фаолият олиб бораётган уч авлод вакиллари-нуронийлар ўрта ва ёш авлод вакиллари иштирок этдилар. Фидокорона меҳнат қилган кекса нуронийлар ёш авлод вакилларига ибратли ҳаёт йўллари ҳақида сўзлаб бердилар. Тадбирда сўз олган нуронийларимиз ҳаёти ва меҳнат фаолияти давомида тўплаган бой тажрибаси, ёшлик давридаги ўзига хос қийинчиликлар, меҳнат палласидаги машаққатлар, ниҳоят нуронийлик пайтида кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром ҳақида ўз дил сўзларини, самимий фикрларини билдиришди. Қизғин суҳбат бир пиёла чой устида давом этди. Концерт дастури уч авлод вакилларининг бир дастурхон атрофидаги учрашувига кўтаринки кайфият улашди.

2022-12-28 17:07:21